


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60410800- Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат
таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент 2022



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «09» 09 даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
Библиографик маълумотлар.....	7
Келишув варағи	8

1. 60410800- Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши
Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) – “Иқтисод” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у давлат статистика ташкилотлари, акционерлик ва хусусий компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини бошқариш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истикболларини белгилаш бўйича иқтисодий, ташкилий масалалар ечимларини статистиканинг ривожланиш қонуниятлари ва замонавий концепциялари асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, унинг вилоят статистика бошқармалари, туман статистика бўлимлари ва бошқалар;

- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндошув тамойилларини татбиқ этиш, давлат ва

маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари;

- ташкилот ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари.

60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
 - ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
 - ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
 - бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
 - бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
 - касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
 - корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
 - замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
 - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
 - ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
 - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.
- Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**
- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини статистик баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича статистик ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини статистик баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60410800-Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқариш индексларини аниқлай олиши;
- статистик таҳлил натижаларига асосланган ҳолда хулосалар чиқариш ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- товарлар ва хизматларни истеъмол ва жамғарма жараёнларини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини баён этиш;
- тармоқлараро баланс тузиш схемаси тенгламаси, тўғри ва тўла харажатлар коэффицентлари ва уларни ҳисоблаш;
- умумий индексларнинг ўртача ва агрегат шаклларини ҳисоблаш;
- иқтисодиёт самарадорлиги кўрсаткичларини индекслар тизими ёрдамида таҳлил қилиши керак.

2.2. Касбий компетенциялар:

- аҳоли ўртасида ижтимоий, демографик муаммолар бўйича рўйхатлар, махсус кузатишлар ўтказиш;
- ижтимоий муносабатларнинг шахс ривожланишига таъсирини статистик ўрганиш;
- бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатнинг характери ва шароитларини статистик ўрганиш;
- статистик таҳлилда фойдаланадиган кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш услубиятларини ёритиш;

- иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқариш индексларини аниқлаш;
- ташқи савдо айланмаси индексларини ҳисоблаш;
- умумий ва ўртача индекслар;
- мамлакатлараро меҳнат ресурслари миграциясини аниқлашни;
- мамлакатларнинг истеъмол даражаларини ҳисоблашни;
- дунё мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари ва уларни ўзига хос хусусиятларини аниқлашни;
- ўзаро таққослашнинг асосий тамойиллари;
- дунё мамлакатларида аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари;
- дунё мамлакатлари ривожланишининг асосий хусусиятлари;
- иқтисодий кўрсаткичлар тизимини турли тамойиллари, уларнинг тузилиши ва боғлиқлиги;
- иқтисодий кўрсаткичларни статистик таҳлил қилиш;
- бозор инфратузилмаси шаклланишини характерловчи кўрсаткичлар тизимини тузиш;
- статистикада қўлланиладиган тасниф ва гуруҳлашлар;
- мамлакат иқтисодиётини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимини қўллаб билиши;
- статистиканинг ташкил қилиниши;
- иқтисодий индексларнинг турлари ва таснифи;
- жаҳон мамлакатларининг ЯИМ кўрсаткичларини қиёсий таққослаш;
- дунё мамлакатларида пул-кредит тизимини статистик ўрганиш;
- оммавий иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни миқдор ва сифат жиҳатидан статистик баҳолаш;
- макродаражадаги иқтисодий фаолиятнинг ҳозирги ҳолатига таъсир этувчи омиллар асосида келажакни прогнозлашни билиши;
- республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истикболини аниқлашни;
- аҳоли истеъмолини статистик таҳлил қилишни;
- аҳоли пул даромадлари ва унинг таркибини статистик ўрганишни;
- аҳоли жамғармаларини статистик таҳлил қилишни;
- гуруҳлашларни;
- товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, даромадларини ҳосил қилиш ҳақида статистик ҳисобот тузишни;
- истеъмол нархлари индекслари ва инфляция даражасини аниқлашни;
- ишлаб чиқарувчилар нархлари индексларини ҳисоблашни билиши ва улардан амалиётда фойдалана олиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври статистика, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:



Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор К. Шарипов

202_ йил « ____ » _____

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор Ш. Якубов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси



Раис Б.А. Бегалов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси хузуридаги
Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти




Директор Б.К. Гаибназаров

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Тошкент молия институти



Ректор Т.З. Тешабаев

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси



Бошлик Л. Т. Мирсоатов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.